

4-шўъба Ногиронликка эга инсонларнинг ижтимоий маданий мослашуви тизимини
такомиллаштириш

ЖАМОАВИЙ ВИДЕО ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Рахимова Мухаббат Ахраровна

Тошкент шаҳар «ШАРОИТ ПЛЮС» ногиронлар жамоат бирлашмаси раиси

Юсупов Дилмурод Дилшадович

Тошкент шаҳар «Шароит Плюс» ногиронлар жамоат бирлашмаси лойиҳалар координатори,
Сассекс Университети, Тараққиёт тадқиқотлари институти докторанти

Тошкент шаҳар «ШАРОИТ ПЛЮС» ногиронлар жамоат бирлашмаси раиси

Е-mail: sharoitplus@gmail.com

Вебсайт: www.sharoitplus.uz

Аннотация

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган хотин-қизлар жамиятда тўлақонли иштирок этишлари учун оила ичидаги ва атроф-муҳит билан боғлиқ тўсиқлар ҳамда салбий муносабатларга дуч келишмоқда. Ногиронлиги бўлган аёллар ҳам жинс, ҳам ногиронлик белгиси бўйича эркакларга қараганда кўпроқ камситиш ҳолатларига учрашлари мумкин. Ногиронлиги бўлган аёллар бошқаларга нисбатан таълим олиш ва меҳнат қилиш имкониятларига эга бўлмасликлари мумкин. Натижада улар ўз ҳолатларидан уялиб ижтимоий фаоллиги суст бўлиб қолади. Шерик-маслаҳати ва жамоавий видео уларнинг ўзларига бўлгани ишончини орттириш орқали ижтимоий маданий мослашувини яхшилайти ва улар кундалик ҳаётларида дуч келаётган муаммоларга жамоатчилик эътиборини жалб қилади.

Калит сўзлар: жамоавий видео, шерик-маслаҳати, ногиронлиги бўлган аёллар, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ногиронлар ҳуқуқлари, ногиронларнинг ижтимоий мослашуви.

Ўзбекистонда яшаётган кўпчилик жисмоний ногиронлиги бўлган аёллар кундалик ҳаётлари давомида атроф-муҳит ва муносабат билан боғлиқ тўсиқларга дуч келишлари сабабли уйларида ўтириб қолиш эҳтимоли эркакларга нисбатан юқорироқ. Зарурат юзасидан тиббиёт муассасасига ёки эҳтиёжларидан келиб чиқиб бирор жойга бормасалар умуман ташқарига чиқмайдилар. Хаттоки ўз хоҳиш истакларини оила аъзолари ва яқинларига ҳам ошкор этмайдилар. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясида ҳам ногирон

аёллар ва ногирон қизларнинг инсон ҳуқуқларини ва асосий эрикинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Конвенциянинг 6-моддаси ногирон аёлларга бағишланган. Конвенцияда ногиронлиги бўлган хотин-қизлар “уйларида ҳам, уйлари ташқарисида ҳам кўпинча зўравонлик, жароҳатланиш ёки тажовуз қилиш катта хавфига, ҳурматсизлик ёки кўпол муносабатга, ёмон муомала ёки эксплуатацияга” дуч келишлари тан олган [1, 14-б]. Ногиронлиги бўлган аёллар бир вақтнинг ўзида ҳам жинс, ҳам ногиронлик белгиси бўйича камситишга учрайдилар. Кўпчилик жисмоний ногиронлиги бор хотин-қизлар шу муаммолар сабабли жамоатчиликка қўшилишда ўзларини эркин ҳис қилмайдилар ва уларнинг жамиятдаги фаолиятини суғ деб баҳолаша бўлади.

Шу ўринда ўз-ўзидан бир қатор “Нима учун? Бунга нималар сабаб? Қандай муаммолар?” деган саволлар тўғилади. Ногиронлиги бўлган аёлларни ўзларига бўлган ишончсизликлари, ички кўрқув ва журъатсизликларидир. Бунга сабаб ногиронлиги бўлган болалар айниқса қизлар гўдаклик давридан ёлғизликда жудаям эҳтиёткороналик билан катта бўлишлари. Ёлғизликда деганда айнан нималар назарда тутилади? Ногиронлиги бўлган фарзандлар дунёга келганда ёки бирор ҳодиса сабабли жисмоний имконияти чекланиш ҳолатига тушиб қолганда ота-оналар бор эътиборларини ва ҳаракатларини уларни даволашга қаратадилар. Аммо тиклаб бўладиган ёки тиклаб бўлмайдиган жисмоний ҳолатлар бор. Ота-оналар буни унчалик эътиборга олмайдилар ва оқибатда фарзандларини ижтимоий маданий мослашувига умуман эътибор бермайдилар, бунинг оқибатида фарзандлари “уй касалхонаси” шароитида ўсадилар. уй касалхонасидан бошқа жойни билмайдилар ва ҳаттоки тасаввурга ҳам эга бўлмайдилар. Улар ҳаётни кино сериалларда кўрадилар ва ўша тасаввур билан яшайдилар. Бунинг оқибатида уларнинг онгида мен соғлом ҳолатга келмагунимча мактабда ўқий олмайман, бирор жойда ишлай олмайман ёки одамларга қўшила олмайман деган фикр шакилланади. Лекин тўсиқларга қарши курашиш, ички кўрқувларни енгиш инстинкти шакилланмайди. Шу билан бирга, жисмоний ногиронлиги бўлган аёлларнинг ўзларига бўлган ишончлари йўқлигига яна бир сабаб – жисмоний ҳолатларидан келиб чиқиб ўзларини бошқаларга тенглаша олмайман, улардек бўла олмайман деган тушунча кучлилиги.

Баъзи бир ота-оналар ногиронлиги бўлган фарзандларини жамоатчиликдан яширишади. Бунга сабаб, бошқа ногиронлиги бўлмаган фарзандларининг келажагига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли борлигига ишонишлари; жисмоний имконияти чекланган фарзандлари ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўрта таълимга эга бўла олмайди шу билан биргаликда хунар ўрганиб ўзига муносиб ишларда ишлаши учун жисмоний ҳолати тўсиқ бўлади деган тушунчалар пайдо бўлади. Бундай ишончсизлик сабабли кўпчилик ногиронлиги бўлган қизлар етарли билим кўникмага эга бўла олмайдилар ва бунинг натижасида деярли барча жисмоний

имконияти чекланган хотин-қизлар ишсиз ва бирон-бир ҳунарсиз бўлиб қолишларига олиб келади. Юқорида санаб ўтилган муаммолар уларнинг ички, яъни оилалари билан боғлиқ муаммолардан бир нечтаси. Бундан ташқари, улар жамиятдаги муносабат ва атроф-муҳит билан боғлиқ қатор тўсиқларга дуч келишади. Жисмоний имконияти чекланган аёллар нафақат оилаларида балки жамоатчиликда ҳам уларга бўлган салбий муносабатлар ва ишончсизликлари, уларнинг эҳтиёжларини охириги ўринда инобатга олиниши, жисмоний муҳит билан боғлиқ турли тўсиқлар сабабли фаол иштирок эта олмасликларига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда яшаётган барча тоифадаги ногиронлиги бўлган болалар ва катталар жамиятда фаол ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун 2017-йил 1 декабрь қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Президент Шавкат Мирзиёев фармони [2] ва Ўзбекистон Республикасида “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш” тўғрисидаги қонун [3] қабул қилинган. Аммо, бу қонуний ҳужжатлар ўз вақтида ва кўнгилдагидек амалга оширилмаяпти. Сабаби уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида турли тоифадаги ногиронлиги бўлган фуқароларнинг иштироки сустлиги; қонунлар ва қарорлар қанчалик ўз вақтида самарали амалга ошириш учун ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг жамоат ташкилотлари томонидан ижтимоий назорат тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги; қонун ижрочиларининг ногиронлиги бўлган аёллар ҳақида ва уларнинг муаммоларидан етарлича билим кўникмага эга эмасликлари. Натижада, жамоат бинолари ва транспортда ҳамда турар жойларда улар учун оқилона қулайликлар етарлича яратилмаган, ва борлари ҳам афсуски талабга жавоб бермайди. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи ногиронларнинг жамоат бирлашмаларининг аксарияти ногиронлиги бўлган инсонлар учун ҳалқаро даражадаги амалиётдан ўтган ва самарали натижалар берган керакли хизматларни кўрсатмай афсуски асосий фаолиятларини хайрия йўналишида олиб боряптилар. Бунинг натижасида кўпчилик ногиронлиги бўлган инсонларда боқимандалик ҳолатлари кучайиб бормоқда. Уларнинг наздида атрофидагилар улар учун ҳамма нарсани қилиб беришлари шарт деган тушунча шакилланиб бормоқда. Энг аввало ўзлари ташаббускор бўлишлари кераклиги эътиборларидан четда қолмоқда.

Шерик-маслаҳати орқали психологик суҳбатлар

Ҳозирги вақтда юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун самарали ҳалқаро даражадаги изланиш услублари мавжуд. Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС” ногиронлар жамоат бирлашмаси 2019-йил 1 октябрдан 2020-йил 20 мартгача Марказий Осиёнинг Евроосиё Фонди (ФЕЦА) томонидан молиялаштирилган “Имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга оширди. Лойиҳанинг мақсади Тошкент шаҳридаги

жисмоний имконияти чекланган аёлларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва улар кундалик ҳаётлари давомида дуч келадиган муаммоларни жамият эътиборига етказиш. Шунингдек, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ҳақида ижтимоий тармоқларда реал ҳаётга асосланган ахборотларни ёритиб бориш. Бу мақсадни амалга ошириш учун бир қатор вазифалар бажарилиди. Ногиронлиги бўлган аёлларнинг уйларига бориб уларнинг оилавий шароитлари билан танишилди ва улар билан чуқур интервьюлар ўтказилди, ота-оналари ва оила аъзолари билан ҳам суҳбатлар ташкиллаштирилди ва ҳамкорликка таклиф қилинди. Чуқур интервьюлар ногиронлиги бўлган аёлларни шерик-маслаҳати (психологик суҳбатлар) тарзида интервью иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилди. Шерик-маслаҳати (инглиз тилида “peer-counselling”) ногиронлик вазиятига тушган инсонга шу вазиятдан муваффақиятли ўтган ва керакли билим, кўникма ҳамда тажрибага эга бўлган бошқа ногиронлиги бўлган инсон маслаҳат бериши ҳисобланади [4]. Шерик-маслаҳати услуби икки кишининг психологик суҳбати бўлиб, яъни суҳбат ўтказувчи ва суҳбатдош ўртасида бўлиб томонларнинг ўзаро келишуви асосида ўтказилади. Суҳбат ҳеч ким билан муҳокама қилинмайди ва ҳеч кимга ошқора этилмайди. Ушбу суҳбатнинг самарали томони суҳбат жараёнида суҳбатдошнинг ички салбий эмоцияларини чиқаришга ёрдам беради ва шу билан биргаликда улар дуч келадиган муаммоларни ўрганишда ва иштирокчиларга ўзлари ечим топишларига ёрдам беради. Шерик-маслаҳати тушунчаси 1970 йилларда АҚШда жамиятда мустақил яшаётган ногиронлиги бўлган инсонлар орасида кенг тарқалди.

Жисмоний имконияти чекланган аёлларни уйларига бориб шароитларини ўрганиб чиқиш орқали улар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлинди. Уларнинг уй шароитларини ўрганиб чиқиш орқали улар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлинди, уларнинг яшаш тарзи билан танишиб чиқилди ва оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказилди. Ушбу жараён уларнинг ҳолатларидан келиб чиқиб кундалик ҳаёт тарзларини яхшироқ ўрганишга, уларни ички хиссиётлари яхшироқ тушунишга ва улар дуч келадиган муаммоларни ўрганиб чиқиб ечим топишга ёрдам берди. Лойихани дастлабки ойда 10та оилаларга бориб уларнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишиб чиқилди ва оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказилди. Аммо, ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боришда бир қатор қийинчиликларга дуч келинди. Ота-оналарнинг барчаси билан биргаликда учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш имконияти бўлмади чунки баъзи ота-оналар умуман кўришиш учун фарзандларини лойихада иштирок этишини ҳам хоҳлашмади, ҳаттоки телефон орқали гаплашишни ҳам исташмади. Ота-оналар ҳамкорликка таклиф этилганда улар ишда бўлганликлари сабабли ва баъзилари соғлиқлари яхшимаслиги сабабли лойихада иштирок эта олишмади. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларидан лойиха ҳудудлардаги ногиронлиги бўлган инсонлар рўйхати сўралганда рўйхат берилмади ва лойиха маҳалла қўмиталари томонидан қўллаб-қувватланмади.

Жамоавий видео изланиш услуги

Жамоавий видео (инглиз тилида “participatory video”) бу изланиш услуги ҳам жуда самарали бўлиб иштирокчиларда ўзлигини англаб етишга, ижодий билим кўникмалари ва ижтимоий маданий мослашувини шакиллантиришга ёрдам беради [5]. Жамоавий видео учун 6 ёки максимал 8 кишидан иборат икки гуруҳ тузилди. Гуруҳ тузиш жараёнида изланишни биринчи босқичида шерик-маслаҳати суҳбатларида қатнашган ногиронлиги бўлган аёллар уларнинг ижтимоий ва ногиронлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинди. Лойиҳада фақат жисмоний ногиронлиги (Болалар церебрал фалажи, нутқида нуқсонли бўлган ва ногиронлар аравачаси фойдаланувчилари) бўлган хотин-қизлар қатнашди. Асосан I ва II гуруҳдаги тўғма ва орттирилган ногиронлиги бўлган аёллар иштирок этишди. Жамоавий видео йиғилишларини ташкил этишдан олдин гуруҳларнинг асосий ва ёрдамчи йўналтирувчилари танлаб олиниб дастурлар режалаштирилди. Асосий йўналтирувчининг вазифаси гуруҳ фаолиятини координация қилиш ва ҳиссиёт этакчиси бўлиб мулоқот, ҳамкорлик, ишонч ва гуруҳ муносабатларини ривожлантириш орқали иштирокчиларнинг биргаликда ишлаш усулини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш. Асосий йўналтирувчи (фасилитатор) кўпроқ камеранинг олдида фаолиятни ташкиллаштиради. Ёрдамчи йўналтирувчининг вазифаси иштирокчиларга техник кўникмалар бериш ва уларнинг видео ва бошқа ускуналардан фойдаланишни ўргатади ва қўллаб-қувватлайди. Ёрдамчи йўналтирувчи кўпроқ камеранинг ортида фаолиятни ташкиллаштиради.

Изланиш иштирокчиларини кўшимча кўникмаларга ўргатиш мақсадида уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб видео камерада ишлаш ва олинган видеоларни монтаж қилишни ўргатиш дарслари ташкил этилди. Ушбу дарслар жамоавий тарзда ўтказилади ва ҳар бир жамоа аъзосига вазифалар юкланади. Жамоавий видео иштирокчилари ҳар доим ўзлари барча жиҳозлардан фойдаланишлари шарт. Иштирокчилар навбат билан роллар алмашишади (кимдир режиссёр, кимдир камера оператори бўлиб камера ортида ишласа, бошқалар камера олдида ишлаб сценарий ёзувчиси, сахна менежери ёки актёр ролини ўйнаши керак бўлади). Роллар билан алмашиш жуда муҳим! Олинган видеолар шу заҳотиёқ камерани телевизор экранига улаган ҳолда барча иштирокчиларга бошидан охиригача кўрсатилади ва биргаликда мулоҳаза қилинади. Бундай жамоавий ҳаракатлар иштирокчиларни бирлаштиради ва ўз устида давомий ишлаб ўзларини видеода кўриш, ҳолатларини ўзлигича қабул қилиш ва ундан уялмаслик, бошқалар билан эркин мулоқот қилиш кўникмасини шакиллантиришга ёрдам беради.

Ҳар бир йиғилишда видео камера билан ишланади иштирокчиларни навбатма навбат камера билан ишлашга йўналтирилади биргаликда сценарий тузилиб вазифалар

тақсимланади. Жамоавий видеонинг биринчи йиғилишидан бошлаб барча машғулотлар ўйин (“Исм ўйини”, “Агар мен ҳайвон ёки ўсимлик бўлганимда?”, “Кетма-кет саволлар”, “ТВ шоу”, “Интервью олиш”, “Ғойиб бўлиш ўйини” ва бошқалар) тарзида амалга оширилади. Барча иштирокчилар видео ускунаси билан ишлаш бўйича бошланғич кўникмага эга бўлгандан сўнг ўзларининг кундалик ҳаётларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир кадрни ўйлаб ҳужжатли фильм сценарийсини биргаликда чизишади. Тайёр бўлган сценарий асосида жамоа ичида роллар белгиланиб ҳужжатли фильм гуруҳ аъзолари томонидан суратга олинади ва олинган фильм иштирокчиларга телевизор экранидан кўрсатилади. Иштирокчилар ўз ҳаётлари ҳақида олган фильм уларни гуруҳ ичидаги янада чуқурроқ мулоҳазаларга чорлайди. Видеоларни қайта кўриш, иштирокчилар ўзларини биринчи марта телевизорда кўриш ва бошқа масалаларни гуруҳ ичида муҳокама қилиш керак. Иштирокчилар ўзларини қандай ҳис қилдилар? Кимдир ўзини ноқулай ҳис қилган бўлиши мумкин. Уларга асосий йўналтирувчи бу нормал ҳолат эканлигини билдириши шарт ва салбий мулоҳазалар пайдо қилишни ўрнига ижобий масалаларни муҳокама қилишга ҳаракат қилиши керак.

Аммо, видео монтаж қилиш машғулотлари самарали амалга оширилмади. Сабаби об-ҳаво совуқ бўлганлиги сабабли жамоатчилик ичида олинishi керак бўлган суръатга олиш ишлари кечиктирилди ва фавқулотда вазиятлар ва монтаж қилишни ўрганишга узок вақт кераклиги сабабли ҳамма иштирокчилар билан биргаликда амалга оширилмади. Лойихада бир иштирокчига монтаж ишлари ўргатилди ва ўша иштирокчи келгусида бошқа қизикқан иштирокчиларга ўргатиши режа қилинди.

Изланиш этикаси

Барча иштирокчилар видеода пайдо бўлишларига рози бўлиши шарт (улардан оғзаки руҳсат сўралди ва барча иштирокчилар видеода пайдо бўлишларини ва барча видео материаллар махфий сақланашини тушунтирилди). Жамоавий видео жараёнида олинган дастлабки видеолар махфий ҳисобланади ва иштирокчилардан бошқа ҳеч кимга кўрсатилмайди. Жамоавий видеони бошлашдан аввал изланиш қоидалари иштирокчиларга яхшилаб тушунтирилди. Агар кимдир видеода пайдо бўлишни хоҳламаса уларга шунини очик ойдin тушунтириб ўтилди – видеода пайдо бўлиш бу жамоавий видеода иштирок этишнинг асосий талабларидан бири. Агар видеода пайдо бўлишга рози бўлмаган иштирокчилар бўлса уларни гуруҳни тарк этиш илтимос қилинди ва улар тарк этмагунча жамоавий видеони тўхтатиб турилди. Жамоавий видео ўтказиш жойига бошқа бегона шасхлар жамоавий видео олиш пайтида киритилмайди.

Изданиш натижалари

Лойиҳа бошланишда иштирокчиларининг деярли ҳаммасида ўзидан уялиш ва ўзларига бўлган ишончсизлик, ички кўрқув ва журъатсизлик кучли эди. Айниқса жамоатчиликка кўшилганларида ўзларидан уялиши ҳисси ва тортинчоқлик кучли эди. Лойиҳа натижасида камера билан ишлашни ўрганишди ва камера олдида ўзларини эркин хис қилиш, ўзларини англаб етишлари ва ўзларини борлигича қабул қилишни ўрганишди. Лойиҳа натижасида иштирокчилар ўзларига бўлган ички ишончни кучайтириб, ўзларидан уялмаслик ва фикрларини мустақил баён қилиш ҳамда бошқалар билан эркин мулоқотга кириб муносабатларни ўрнатишни ўрганишди. Бундан ташқари, улар ўзлари ижтимоий роликлар учун сценарий ёзиш даражасига етишди ва суратга олиш кўникмасига ҳам эга бўлишди. Жамоатчиликка чиқиб одамлардан интервьюлар олишни ҳам ўрганишди.

Жамоавий видео иштирокчиларининг ташаббусидан келиб чиқиб 5-8 дақиқали 10та ижтимоий роликлар тасвирга олинди ва улар “ШАРОИТ ПЛЮС” ташкилотининг Telegram, Facebook, Youtube ва Instagram каби ижтимоий тармоқларида жойлаштирилди¹. Қўйидаги кўрсатувлар тайёрланди: “Имконияти чекланган инсонлар жамоатчилик нигоҳида”, “Жамоатчилик имконияти чекланган инсонлар нигоҳида”, “Ноқулай қулайликлар” ва “Матонатли оналар”. Лойиҳанинг муваффақияти иштирокчилар билан суҳбатда тақдим этилди. Лойиҳа иштирокчиларининг фикрлари ва жамоавий видео уларнинг ҳаётига қандай таъсир қилгани ҳақида якуний видео тайёрланди². Шунингдек, ногиронлиги бўлган аёллар томонидан олинган видео роликлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабабчи бўлди ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи жисмоний имконияти чекланган инсонлар жамоатчилик ҳаётида тўлақонли иштирок этишларига ҳалақит бераётган оилавий ва атроф-муҳит тўсиқлари ҳамда салбий муносабатларга эътибор қаратилди.

Адабиётлар рўйхати

[1] Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция — Тошкент: Vaktria press, 2013, 56 б ISBN 978-9943-4242-7-2

[2] ПФ-5270-сон 01.12.2017 Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.

¹ Олинган барча видеоларни “ШАРОИТ ПЛЮС” Telegram каналида томоша қилишингиз мумкин: <https://t.me/sharoitplus>

² Видеони шу ерда кўришингиз мумкин: <https://youtu.be/OWfiBqr55Ek>

[3] ЎРҚ-162-сон 11.07.2018 Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун.

[4] Шерик маслаҳати қўлланмаси, Инсонпарварлик уюшмаси, Токио, Япония.

[5] Participatory Video: A Practical Approach to Using Video Creatively in Group Development Work — : Routledge, 1997, 304 б ISBN-13: 978-0415141055